2025-yil
26-avgust
seshanba
№105-106
(5170)

YURT TARAQQIYOTI YO‘LIDA BIRLASHAYLIK!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

## Куннинг муҳим воқеалари



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Ҳусайн 25 август куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Шу куни давлат раҳбарлари биргаликда қадимий Самарқанднинг тарихий обидаларини зиёрат қилдилар.

Ташрифнинг асосий тадбирлари бугун бўлиб ўтади.

**Ташриф тафсилотлари билан тўлиқ танишиш учун қуйидаги QR кодни сканер қилинг:**

* * *



Республика бўйлаб барча умумтаълим мактабларида 2025/2026-ўқув йили дарс жараёнлари 2 сентябрь (сешанба куни)дан бошланади. Бу ҳақда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги хабар берди.

Ўқув жараёнининг биринчи дарс соатларида «Ватан учун, миллат учун, халқ учун!» шиори остида «Келажак соати» ўтказилади.

* * *




Самарқандда «Elxolding» корхонаси томонидан «Eldosh» бренди остида чиқиндиларни ташиш учун мўлжалланган уч ғилдиракли санитар мотоцикллар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди.

Чиқиндиларни бошқариш агентлиги хабарига кўра, корхонада бу йўналишда қўшимча 100 га яқин иш ўрни яратилган.

* * *



Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида Ўзбекистон-Қатар Мувофиқлаштирувчи кенгашининг илк йиғилиши бўлиб ўтди. Мазкур мулоқотда маданият соҳасида Ўзбекистон ва Қатар ўртасидаги кўп қиррали шерикликни янада ривожлантиришга хизмат қиладиган янги лойиҳалар, мақсадлар ва устувор йўналишлар белгилаб олинди.

* * *



Ўзбекистон элчиси Бахтиёр Ибрагимов Қозоғистон соғлиқни сақлаш вазири Ақмарал Алназарова билан учрашди.

Мулоқот чоғида соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, жумладан, Оролбўйи аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи экологик омилларни бартараф этишга қаратилган қўшма дастурлар муҳокама қилинди.

* * *




Пойтахтимиздаги «Ренессанс» кино уйида Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан тайёрланган «Ватан» номли қўшиқлар тўплами тақдимоти бўлиб ўтди.

* * *

Мустақиллик байрами арафасида аҳолига қулайлик яратиш мақсадида Тошкент шаҳридаги деҳқон бозорларида арзонлаштирилган маҳсулотлар савдоси бошланди.

Мазкур расталарда маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан ташқари Беларусь, Покистон, Монголия ва Ҳиндистондан келтирилган мол ҳамда қўй гўшти, шунингдек, вилоятлардан олиб келинган мева, сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этилмоқда.

# УЛУҒ МУҲАДДИС НОМИГА МУНОСИБ МАЖМУА

**Президент Шавкат Мирзиёев 25 август куни Самарқандга ташриф буюрди. Эзгу анъанага мувофиқ, аввало, Имом Бухорий мақбараси зиёрат қилинди. Қуръон тиловат этилиб, дуо ўқилди.**



Давлатимиз раҳбари бу ердаги бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.

Буюк муҳаддис бобомизга бутун ислом оламида эҳтиром баланд, унинг мақбарасини кўриш истагидаги инсонлар кўп. Шу боис зиёратчиларга шароитларни янада кенгайтириш мақсадида бу ерда улкан мажмуа барпо этилмоқда.

Зиёратгоҳнинг умумий майдони 44 гектар этиб кенгайтирилган. Мўътабар мақбара, 10 минг кишилик масжид ва маъмурият биноси қуриб битказилган. Мажмуанинг тўрт бурчагидаги 75 метрлик миноралар унга маҳобат бағишлаган.

Айни пайтда пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Пештоқлар ва айвон деворларига «Саҳиҳи Бухорий»дан ҳадислар битилмоқда.

Президентимиз бу мажмуа фақат зиёрат эмас, илм-маърифат, тарбия ва ибрат маскани бўлиши кераклигини таъкидлади. Имом Бухорийнинг буюк изланишлари, билими ва камолоти бу ерга келувчилар, айниқса, ёшлар учун эзгу намуна бўлиши қайд этилди.

Шу мақсадда янги мажмуада инновацион музей ҳам ташкил этилмоқда. У ислом оламида муҳаддислар султони, дея эътироф этилган Имом Бухорийнинг ҳаёти ва илмий мероси, ислом маърифати ривожига қўшган ҳиссасини намоён этади. Шунингдек, музейда Қуръони каримда исмлари зикр қилинган 25 нафар пайғамбар тарихи, Муҳаммад алайҳиссаломнинг шажараси, у зотнинг Макка ва Мадинадаги ҳаёти, ҳадисларнинг жамланиши ва ёзилиши ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилади.

Зиёратгоҳ атрофида меҳмонхона ва бошқа хизмат кўрсатиш биноларининг ҳам қурилиш ишлари якуний босқичга кирган.

Давлатимиз раҳбари қурилишни сифатли бажариш, зиёратчиларга қулайликларни кенгайтириш, мажмуа атрофида яшил майдонларни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

**ЎзА**

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАН, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА УЛКАН ҲИССА ҚЎШГАН БИР ГУРУҲ МАРҲУМ ОЛИМ ВА ИЖОДКОРЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, СПОРТ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАЛАРИ ҲАМДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

3-4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

5-6



**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган**

**1211**

**рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га**

**мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.**

www.ishonch.uz
ishonch1991@yandex.uz
facebook.com/ishonchofficial.uz
https://t.me/ishonchuz_official

*Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади.*
*Амир Темур*

2025-YIL 26-AVGUST
SESHANBA
№ 105-106 (5170)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

## ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАН, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА УЛКАН ҲИССА ҚЎШГАН БИР ГУРУҲ МАРҲУМ ОЛИМ ВА ИЖОДКОРЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Инсон қадрини улуғлаш, аждодлар хотирасини эъзозлаш, уларнинг ибратли ишларини кенг тарғиб этиш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатларимизни янада кучайтириш мақсадида ўзининг кўп йиллик самарали илмий-ижодий, ижтимоий фаолияти, ёрқин ва бетакрор истеъдоди билан халқимизнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, миллий маънавиятимизни бойитиш, мамлакатимизда илм-фан, адабиёт, маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш, жамиятимизда эзгулик ва адолат, ватанпарварлик ва бағрикенглик тамойилларини мустаҳкамлаш йўлида фидокорона хизмат қилиб, авлодларга қолдирган бой мероси, сермазмун ҳаёти ва инсоний фазилатлари билан эл-юрт хотирасидан чуқур жой эгаллаган қуйидаги марҳум олим ва ижодкорлар мукофотлансин:*

**«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Арипов Уктам** – Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, академик, жарроҳ олим

**Ғафуров Вали** – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, адиб

**Жалолов Тўхтасин** – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшунос олим, таржимон

**Кабулов Васил Кабулович** – Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, академик, кибернетик олим

**Қосимов Бегали** – Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, жадидшунос олим

**Мухамедов Қуддус (Қуддус Муҳаммадий)** – Ўзбекистон Республикаси халқ шоири

**Парфиев Турсунали (Рауф Парфи)** – Ўзбекистон Республикаси халқ шоири

**Раджапов Мурад Ядгарович** – Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, актёр

**Рустамов Алибек Рустамович (Алибек Рустамий)** – Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, адабиётшунос олим

**Сулаймонов Тўра (Тўра Сулаймон)** – Ўзбекистон Республикаси халқ шоири

**Тухтасинов Мамиржон Салимжонович** – Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, хонанда

**Халиков Мухритдин Джалалитдинович** – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, хонанда

**Хамрабоев Ибрагим Хамрабоевич** – Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, академик, геолог олим

**Юсупов Муҳаммаджон (Муҳаммад Юсуф)** – Ўзбекистон Республикаси халқ шоири

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Акилова Вилоят Исахаровна** – Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, балетмейстер

**Ахмедова Римма Ашуровна** – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, театр актёри ва дубляж устаси

**Вахобов Исмоил** – Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи

**Мадалиев Охунжон Нусратович** – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, хонанда

**Назаров Анаркул Мамадович (Анор Назаров)** – Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, композитор

**Обитжонов Анваржон (Анвар Обиджон)** – Ўзбекистон Республикаси халқ шоири

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Юлдашев Бахадир** – «Дийдор» театр-студияси бадиий раҳбари

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,
2025 йил 23 август*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

## ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Мамлакатимиз Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги алоҳида хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, қонун устуворлиги ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги шарафли бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани, соҳада юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар орден ва медаллар билан мукофотлансин:*

**I ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Қодиров Ғайрат Тоирович** – Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи

**«МАРДЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Қурбонов Достонбек Зафаржон ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Исмоилов Абдувохид Саломович** – Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи

**Турсунов Икромжон Нормуродович** – Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи

**Юсупов Санжар Абдукаримович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқармаси бошлиғи

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Ахмеджанов Тимур Фатихович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлим бошлиғи

**Гордиенко Оксана Михайловна** – Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Жамоат тартибини сақлаш бошқармаси муҳим топшириқлар бўйича инспектори

**Ташкулов Акбар Джурабаевич** – Ўзбекистон Республикаси адлия вазири

**Фазилов Ботир Наимович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий девони бошқарма бошлиғи

**«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Бўронов Жасурбек Ботир ўғли** – Сурхондарё вилояти «Айритом» чегара божхона пости катта инспектори

**Давронов Лазизбек Рахмонович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказ гуруҳ командири-йўриқчиси

**Джалилов Расул Абдуганиевич** – Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Бекобод шаҳар фавқулодда вазиятлар бўлими катта йўриқчи-қутқарувчиси

**Исмайлов Женисбай Аминбаевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм секция мутахассиси

**Мирзахмедов Акмал Насридинович (марҳум)** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Неъматов Жасур Рустамович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Сиддикова Моҳигул Махмудовна** – Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати отряди патруль-пост хизмати инспектори

**Якубов Собитжон Муминжон ўғли** – Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили

**«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абдурахманов Хасанбой Алишерович** – Наманган вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Норин тумани фавқулодда вазиятлар бўлими смена бошлиғи

**Бабаев Акмал Абдукаримович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ўқув маркази бошлиғи

**Байнова Ямиля Салимяновна** – Хоразм вилояти Давлат архиви бош архивчиси

**Ботиров Нодир Бахтиёрович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказий аппарати бўлим бош сержанти ёрдамчиси

**Зиятов Асамиддин Холмуминович** – Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

**Қорёғдиев Лазиз Норқулович** – Бухоро вилояти Божхона бошқармаси бўлим бошлиғи

**Мирзарахимов Шавкатжон Жолдошович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командирининг биринчи ўринбосари

**Муҳаммадиев Шерали Сафарович** – Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси Эксперт-криминалистика маркази бош эксперти

**Носиров Абдухалил Рустамович** – Бухоро вилояти Жондор тумани ички ишлар бўлими бошлиғи

**Сабиров Ажибай Махаметсалиевич** – Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бўлим бошлиғи

**Сулайманов Улмас Назарович** – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Сирдарё вилояти Янгиер шаҳар бўлими бошлиғи

**Таджиев Ибрагим Исакович** – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси

**Тлеубаев Аллаяр Бахтиярович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бош сержанти

**Усанов Отабек Эшқобулович** – Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани прокурори

**Халилов Умар Мухаммадович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги махсус бошқармаси гуруҳ йўриқчи-қутқарувчиси

**Шодиев Эркин Самиевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Эрматов Бунёджон Сирочидинович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм мутахассиси

**Юлдашев Жонибек Зарипбаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ йўриқчи-сержанти

**«СОҒЛОМ ТУРМУШ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Худайназаров Мансурбек Бахтиёрович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий госпитали бошлиғи

**«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Алиев Миразим Акмалович** – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси Миллий кинология маркази бўлим бошлиғи

**Атаханов Дастан Кадирбаевич** – Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Нукус шаҳар фавқулодда вазиятлар бўлими йўриқчи-қутқарувчиси

**Аширматова Барно Сааталиевна** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий девони бошқармаси катта офицери

**Мавлонов Мардон Абдухамид ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Мансурова Зулфия Саидмуродовна** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бош бошқармаси бош мутахассиси

**Мурзаев Рустам Камилович** – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси Марказий божхона лабораторияси бошлиғи ўринбосари

**Муродов Зоир Зокирович** – Бухоро вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Ғиждувон тумани фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Наржигитов Ўткир Арзикулович** – Тошкент вилояти Чиноз тумани ички ишлар бўлими катта терговчиси

**Нуржанов Зиёдбек Эркинович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Рустамов Сардорбек Ахматжонович** – Андижон вилояти Андижон туманлараро иқтисодий суди раиси

**Рустамов Турсунбой Бахтиёрович** – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Навоий шаҳар бўлими бошлиғи

**Суванов Алишер Каримович** – Сурхондарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Жарқўрғон тумани фавқулодда вазиятлар бўлими қутқарувчи-ёнғин ўчирувчиси

**Ҳазратқулов Заҳриддин Собиржанович** – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи

**Хайдаров Музаффар Рахмоналиевич** – Наманган вилояти Учқўрғон тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Худайбердиева Рохила Ахмадовна** – Навоий вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судьяси

**Худойбердиев Баходир Абдурайимович** – Сурхондарё вилояти Ангор тумани адлия бўлими Давлат хизматлари маркази директори

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,
2025 йил 24 август*

*Одами эрсанг демагил одами,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.
Алишер Навоий*



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, СПОРТ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАЛАРИ ҲАМДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларга қўшган муносиб ҳиссаси, ўзининг ёрқин истеъдоди, кенг қамровли илмий-ижодий ва амалий фаолияти билан халқимизнинг интеллектуал салоҳиятини ва маънавиятини юксалтириш, мамлакатимизда илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, адабиёт, маданият ва санъат соҳалари, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш йўлидаги кўп йиллик самарали хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:*

### «ОЛИЙ ДАРАЖАЛИ ИМОМ БУХОРИЙ» ОРДЕНИ БИЛАН

Холиқназар Нуриддин Мирзаҳамдам ўғли – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

### «ИМОМ БУХОРИЙ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдуллаев Абдулҳай Болтабоевич** – Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси араб тили ва адабиёти ал-Азҳар кафедраси доценти

**Абдуллаев Хайрулла Ибодуллаевич** – Хоразм вилояти бош имом-хатиби

**Алимов Мирзамахсуд Хатамбекович** – Андижон вилояти бош имом-хатиби

**Сайфудинов Рахматула Хабибулаевич** – Тошкент шаҳар Юнусобод тумани «Минор» масжиди имом-хатиби

**Юнусов Абдуқаххор Рихсибаевич** – Тошкент шаҳар бош имом-хатиби

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРТИСТИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

**Мирхадиев Карим Хусанович** – Ўзбекистон Киноарбоблари ижодий уюшмаси аъзоси, кино ва театр актёри

**Раметова Саида Ходжиевна** – Ўзбек Миллий академик драма театри актриси

**Сайидов Тохир Самандарович** – Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ РАССОМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

**Байбосинов Сарсенбай Базарбаевич** – Ж.Изентаев номидаги Қорақалпоғистон Республикаси ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати рангтасвир фани ўқитувчиси, рангтасвирчи рассом

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ШОИРИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

**Генжемуратов Бахтияр Алламбергенович** – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир, таржимон

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАХШИСИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

**Нарматов Ферузбек Рузимбаевич** – Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ўқитувчиси, бахши

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ» ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

**Ахмедова Зарина Ахмедовна** – Ўзбекистон давлат филармонияси «Наврўз» ашула ва рақс ансамбли бадиий раҳбари, балетмейстер

**Бердиев Илхомбек Юлдашевич** – Ўзбекистон давлат драма театри актёри

**Пазилджанов Жахонгир Гайратович** – «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси хонандаси

**Рузметов Отабек Авазматович** – Ўзбекистон давлат филармонияси Хоразм вилояти бўлинмаси балет артисти

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

**Ходжаев Аблат** – Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти бўлим бошлиғи

**Шералиева Татьяна Тургуновна** – Фарғона вилояти инновацион маданият маркази директори

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

**Бўтаева Фарида Кузиевна** – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, шоира

**Назарбеков Озодбек Ахмадович** – Ўзбекистон Республикаси маданият вазири

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ» ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

**Эрматов Ҳусан Тоҳирович** – «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари бош муҳаррири

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

**Власова Лилия Вильдановна** – Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг бадиий гимнастика бўйича мураббийи

**Достанов Алимардон Махмур ўғли** – Чирчиқ олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказининг бокс бўлими мураббийи, Тошкент вилояти

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТЧИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

**Икромова Тахмина Изатуллоевна** – Бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

**Акбаров Миршавкат Миралимович** – Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг гепатобилиар жарроҳлик ва трансплантология бўлими раҳбари, жарроҳ

### «ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

**Рузиахунов Раҳматжон Турсунович** – Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси катта мураббийи

**Ташматов Мамурджан Ганиевич** – Ўзбекистон давлат филармонияси, Давлат джаз оркестри бадиий раҳбари

### «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдуллаев Насрулла Джалилович** – Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси институти директори ўринбосари

**Акбарова Фарида Шарахимовна** – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги «Бўстон санаторийси» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент вилояти

**Аскаров Ибрагим Рахманович** – Андижон давлат университети кимё кафедраси профессори

**Атаханова Хакимахон** – Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри етакчи саҳна устаси

**Ботиров Низомидин Файзуллаевич** – Тошкент вилояти Оққўрғон тумани 8-сон умумий ўрта таълим мактаби директори

**Рахманов Вахоб** – Гулистон давлат университетининг ўзбек адабиётшунослиги кафедраси доценти, Сирдарё вилояти

**Рахматов Мирвахит Мирахматович** – Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ганчкор уста, Тошкент шаҳри

**Саатов Талъат** – Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институти лабораторияси мудири

**Тожиев Килич Мусажонович** – Олтиариқ туманидаги 14-сон болалар мусиқа ва санъат мактаби директори, хонанда, Фарғона вилояти

**Халмедов Мирзатилла Нигматович** – Ўзбекистон давлат сатира театри директори, бадиий сўз устаси

### «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдуллаев Режаббой Тўраевич** – Республика «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, дўппидўз, Андижон вилояти

**Акбаров Абдулла Махсуталиевич** – Марғилон шаҳар мусиқали мақом театри артисти, бадиий сўз устаси, Фарғона вилояти

**Арзуова Набийра** – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира, Қорақалпоғистон Республикаси

**Баймуратова Ирина Викторовна** – Ангрен шаҳридаги 21-сон умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Барашева Светлана Мухтаровна** – Самарқанд вилояти рус драма театри олий тоифали артисти

**Бегматов Хайриддин Холиқулович** – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи, Самарқанд вилояти

**Бойназаров Фарход Эркинович** – Қашқадарё вилояти мусиқали драма театри бош режиссёри

**Борчанинов Кирилл Валерьевич** – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

**Буваев Вахобжон Содиқович** – Республика «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, кулол, Наманган вилояти

**Джураев Эркин Зайниевич** – Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи рассом, Бухоро вилояти

**Йўлдошев Шухрат Темирович** – «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси хонандаси

**Кудайназаров Амангелди Аидарбекович** – Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри саҳналаштирувчи режиссёри, Қорақалпоғистон Республикаси

**Курбонов Шукуржон** – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

**Латипов Азизхон Гайбуллаевич** – Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри солист-вокалисти

**Махкамов Бахтияр Мирходиевич** – Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, дастгоҳли рангтасвирчи рассом

**Махкамов Тохир Тургунович** – «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси Фарғона вилояти бўлими хонандаси

**Мустафоев Суюндик** – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

**Мухамедов Давлат Кадирович** – Хоразм вилояти «Al-Amal Ijod» хусусий корхонаси ганч ўймакор устаси

**Мухтаров Ильдар Аскадович** – Ўзбекистон Фанлар академияси Санъатшунослик институти бош илмий ходими

**Омар-Мун Ясмина Халидовна** – Учтепа туманидаги 16-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси, хонанда, Тошкент шаҳри

**Ражабова Юлдуз Шамшиддиновна** – театр ва кино актрисаси

**Султанов Аллаберган Дурдиевич** – Хоразм вилояти кўзи ожизлар махсус кутубхонасининг китобларни сақлаш бўлими мудири

**Таджимуратова Улжан Турдимуратовна** – Тошкент шаҳри Олий спорт маҳорати мактабининг эркин кураш бўйича мураббийи

**Тараскин Александр Андреевич** – Тошкент шаҳридаги «Smart school» нодавлат таълим муассасасининг биология фани ўқитувчиси

**Тургунов Тохир Мирхасимович** – Ўзбек Миллий мақом санъати маркази Юнус Ражабий номидаги «Мақом» ансамбли олий тоифали артист-созандаси

**Усмонов Ахроржон Холматович** – Ўзбекистон давлат филармонияси хонандаси

**Хажи Акбар Айса** – Шинжон тиббиёт университети ректори, Хитой Фанлар академияси Шинжон физик-кимёвий техника институтининг академик директор ўринбосари

**Хаметов Рустам Рауфович** – «Ўзбекцирк» давлат муассасаси директори ўринбосари, цирк артисти

**Хамраева Надира Михайловна** – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри балет артисти

**Холматова Угулой Султоновна** – Бекобод тумани маданият бўлимининг «Нилуфар» фольклор мактаби бадиий раҳбари, Тошкент вилояти

**Холмирзаев Боир Мирзаалиевич** – Ўзбекистон Киноарбоблари ижодий уюшмаси аъзоси, киноактёр

**Хусанов Мирабзал Заирович** – Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси аъзоси, бастакор

**Хусанова Нигора Кахрамонжоновна** – Ўзбекистон давлат консерваториясининг махсус фортепиано кафедраси катта ўқитувчиси

**Эргашева Барно Бахтияровна** – «Томоша» болалар мусиқий театр-студияси бош балетмейстери

**Юлдашева Лола Равшанбековна** – «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси хонандаси

### II ДАРАЖАЛИ «САЛОМАТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Ахмедов Холиёр Эргашевич** – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах филиали 1-сон жарроҳлик бўлими шифокор-жарроҳи

**Дадаев Хуршид Хамиджанович** – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг нейрожарроҳлик жонлантириш бўлими мудири

**Жанабаев Бахтиёр Базарбаевич** – Тошкент давлат тиббиёт университетининг кўп тармоқли клиникаси бўлим мудири

**Машарипов Кадамбай** – Урганч давлат тиббиёт институтининг нефрология, гемодиализ, травматология ва ортопедия кафедраси доценти, Хоразм вилояти

**Мирзаева Захида Джураевна** – Олмазор туманидаги 15-сон оилавий поликлиникаси ҳамшираси, Тошкент шаҳри

**Содиқова Насиба Ахмадовна** – Республика тез тиббий ёрдам марказининг Навоий вилояти филиали Хатирчи тумани тез тиббий ёрдам станцияси навбатчи фельдшери

**Яриев Алижон Равшанович** – Гулистон шаҳридаги «Равшан даволаш маскани» хусусий клиникаси жарроҳи, Сирдарё вилояти

### II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

**Ёдгоров Завқиддин Расулович** – Бухоро вилояти қўғирчоқ театри бош рассоми

**Ёкубова Халима Жўраевна** – Муборак туманидаги «Шейх» оилавий шифокорлик пункти оилавий шифокори, Қашқадарё вилояти

**Кадиров Рамз Турабович** – Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти доценти

**Маннопова Ойдинхон Султоналиевна** – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети академик лицейининг ижрочи директори

**Пирматова Нодира Йигиталиевна** – Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг мақом хонандалиги кафедраси мудири, хонанда

>>> 4

*Гўзал кунлар келишини кутма.*
*Унга томон бормоғингни унутма.*
*Жалолиддин Румий*

2025-YIL 26-AVGUST
SESHANBA
№ 105-106 (5170)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ФАРМОНИ**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, СПОРТ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАЛАРИ ҲАМДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

<<< 3

**Суяркулов Шерали Рустамбекович** – Фарғона давлат университетининг аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш ва доривор ўсимликлар кафедраси катта ўқитувчиси

**Тешабаев Тулкин Закирович** – Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори

**Тоғаева Гуландом Жумаевна** – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира, Тошкент вилояти

**Халикова Мухаббат Шадиевна** – Термиз шаҳридаги 2-сон оилавий болалар уйи раҳбари, Сурхондарё вилояти

**«СОҒЛОМ ТУРМУШ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абдуваитова Лариса Аминджановна** – Тиббиёт бош бошқармасининг 1-сон марказий клиник шифохонаси бош ҳамшираси

**Қутбиддинова Наима Абдуқайимовна** – Уйчи туманидаги «Ёрқатай» оилавий шифокорлик пункти тиббий бригадаси дояси, Наманган вилояти

**Сафарова Гулжаҳон Сафаровна** – Оқдарё туманидаги «Узун» оилавий шифокорлик пункти мудири, Самарқанд вилояти

**«КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Дўсматова Муштарий Йигиталиевна** – Ўзбекистон давлат филармонияси «Шодлик» ансамбли балет артисти

**Камалходжаева Шукронахон Ахмадилло қизи** – Мукаррама Турғунбоева номидаги «Баҳор» давлат рақс ансамбли балет артисти

**Косимова Ирода Жохонгир қизи** – «Дийдор» ёшлар экспериментал театр-студияси артисти

**Матвеева Дарина Сергеевна** – «Ўзбекцирк» давлат муассасаси олий тоифали артисти

**Норов Ферузбек Иззатуллоевич** – Ўзбек миллий мақом санъати марказининг Юнус Ражабий номидаги «Мақом» ансамбли мақомчиси

**Нурматова Шохидахон Урмонжон қизи** – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

**Пиязов Акилбек Буркит ули** – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

**Сарсенбаева Инкар Алписбаевна** – Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри актрисаси

**Элмуродзода Улуғбек Ахмаджон ўғли** – Марғилон шаҳар мусиқали мақом театри олий тоифали артист-мақомчиси, Фарғона вилояти

**«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абдуллаев Равшан Ўктамович** – Янгиобод туманидаги 3-сон умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Абдуллаев Расулжон Рустамжон ўғли** – Ўзбекистон давлат филармониясининг давлат хор капелласи олий тоифали хор артисти

**Абдурахимов Фахриддин Садикович** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Mahalla» телерадиоканали радио лойиҳалар муҳарририяти бош муҳаррири

**Абсаматов Мухиддин Исматович** – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

**Акрамов Маҳаммадзиё Равшанбек ўғли** – «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси хонандаси

**Ахмедова Насиба Сейдахметовна** – Республика «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, ўйинчоқлар ясовчи уста, Тошкент шаҳри

**Бахромова Дилноза Эшмирзаевна** – Самарқанд вилояти Яккакураш спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактаби парадзюдо бўйича мураббийи

**Бекметов Болтабой** – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир, таржимон, Хоразм вилояти

**Ваисов Мансурбек Эгамберганович** – Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг мақом хонандалиги кафедраси катта ўқитувчиси

**Валатина Виктория Сергеевна** – Ўзбекистон давлат филармониясининг «Муножот» рақс ансамбли балет артисти

**Ғайбуллаев Ғулом Сайдалимович** – Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институтининг агробиология факультети декани

**Гулмуротов Дилмурод Сайитмуротович** – Гулистон туманидаги 2-сон болалар мусиқа ва санъат мактабининг бахшичилик синфи ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Ғуломжонов Қахрамон Рустамжон ўғли** – «Ҳавас» оилавий гуруҳи хонандаси, Тошкент шаҳри

**Джорабаева Дилфузахон Мамунджановна** – Ўзбекистон давлат филармониясининг «Шодлик» ансамбли бош балетмейстери

**Досмухамедов Тахирджан Джураевич** – Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасининг ижодий бўлими бошлиғи, театршунос

**Жумаев Турғун Пўлатбоевич** – Навоий вилояти қўғирчоқ театри актёри

**Имомова Шаҳрибону Комиловна** – «Гулистон» ва «Театр» журналлари бирлашган таҳририяти бош муҳаррири

**Каттабобоев Шерзод Мухиддинович** – Сирдарё вилояти мусиқали драма театри олий тоифали драма артисти

**Махмудов Нодиржон Кабилджанович** – «Янги Ўзбекистон» ва «Правда Востока» газеталари таҳририяти катта мухбири

**Махмудова Фарангиз Нуридин қизи** – Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг мақом чолғу ижрочилиги кафедраси ўқитувчиси, созанда

**Мирзаев Дилмурод Валижонович** – Ўзбекистон давлат филармониясининг миллий карнай-сурнай гуруҳи бадиий раҳбари

**Мирзаева Камила Бахтиёр қизи** – Ўзбекистон давлат филармониясининг «Наврўз» ансамбли балет артисти

**Муминов Лочинбек Нуриддин ўғли** – Ўзбекистон давлат симфоник оркестри олий тоифали оркестр артисти

**Мусабеков Дилшод Комилбекович** – «Dizayn PRO» масъулияти чекланган жамияти актёри, Тошкент шаҳри

**Мухамеджанов Гуламжон Ибрагимович** – Мукаррама Турғунбоева номидаги «Баҳор» давлат рақс ансамбли артист-созандаси

**Набиев Абдурауфбек Абдураззоқ ўғли** – «Rapid Company» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, режиссёр, Тошкент шаҳри

**Ражабов Хайрилло Садиллоевич** – Академик Ш.Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказининг диагностика бўлими шифокори

**Раимкулов Азамат Кенжебаевич** – Ўзбекистон давлат симфоник оркестри олий тоифали оркестр артисти

**Рахмонова Гуласал Итолмасовна** – Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри солист-вокалисти

**Рахмонова Гузал Шавкатовна** – Ўзбекистон давлат симфоник оркестри олий тоифали оркестр артисти

**Сайбурханов Зафарбек Обиджанович** – Андижон вилояти мусиқали драма театри актёри

**Сейтхалилова Мафтуна Ахатовна** – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрининг «Тумор» ансамбли балет артисти

**Тошев Давлат Бўронович** – Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, миниатюрачи рассом

**Тугалов Ботир Бахромович** – Самарқанд вилояти мусиқали драма театри директори

**Умаров Мирзаюнус Джураевич** – Республика «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, ёғоч ўймакори, Фарғона вилояти

**Ҳамдамова Одинахон Араббой қизи** – Паравелоспорт бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Ҳайдаров Илҳомжон Эргаш ўғли** – «Ҳужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси» давлат унитар корхонаси режиссёри

**Чориев Нурилла Ортиқович** – «Ёшлик» журнали бош муҳаррири, ёзувчи

**Шарипов Андрей Мирсамеевич** – Ўзбекистон триатлон федерацияси спортчиси

**Эллиева Дилдора Анваровна** – Жондор туманидаги 4-сон мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси, Бухоро вилояти

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,
2025 йил 23 август*

ТУҲФА

**Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги муносабати билан Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Шофиркон тумани кенгаши «Ватан учун, миллат учун, халқ учун!» шиори остида маданий тадбир ўтказди.**

## 110 НАФАР БОЛАЖОНГА БАЙРАМ СОВҒАСИ

Унда мактабгача ва мактаб таълими бўлими, кенгаш ходимлари, «Баркамол авлод» болалар мактаби вакиллари, бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари ҳамда бир гуруҳ болажонлар иштирок этди.

Концерт дастури, шунингдек, турли ўйинлар ва ранг-баранг кўргазмалар иштирокчиларга байрамона кайфият улашди. Болаларнинг қувончи ва истеъдодларини намоён этиши кечага, айниқса, ўзгача файз бағишлади.

– Мустақиллигимиз энг улуғ ва энг азиз байрамимиздир, – дейди туман кенгаши раиси А.Салоҳов. – Бу каби шодиёна, учрашувлар ходимлар ва уларнинг оилаларини янада яқинлаштиради, дўстлаштиради. Уларда Ватанга муҳаббат, миллатга садоқат туйғулари шаклланишига хизмат қилади.

Тадбир якунида таълим тизимида самарали меҳнат қилиб келаётган 110 нафар соҳа ходимининг фарзандларига байрам совғаси сифатида ўқув қуроллари жамланмаси топширилди.

**Дилдора ИБРОҲИМОВА**
*«ISHONCH»*



## КАСАБА УЮШМАЛАРИ ЭЪТИБОРИ

**Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги ва истиқлол айёми муносабати билан тиббиёт ходимларининг 70 нафар фарзандига ўқув қуроллари совға қилинди.**

– Касаба уюшмалари эътиборидан мамнунмиз. Ҳар йили байрамларда, жумладан, янги ўқув йили бошланиши олдидан совғалар улашади. Иккинчи синфга бораётган фарзандим Чаросхон ҳам роса хурсанд, – дейди бирлашмада ҳамшира бўлиб ишлаб келаётган Зулхумор Бердиқулова.

Айни пайтда аъзоларни қўллаб-қувватлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, дам олишларини ташкил этиш бўйича қатор ишлар амалга ошириб келиняпти. Хусусан, яқинда бир гуруҳ ходимлар «Аҳмад Фарғоний» дам олиш масканида ҳордиқ чиқаришди. Юздан ортиқ ходим эса Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги сиҳатгоҳларда имтиёзли йўлланмалар асосида саломатлигини мустаҳкамлади. Фаол ишчи-ходимлар вилоятдаги сўлим гўшаларда дам олишди.

**Нодирахон ТОПИЛОВА,**
*Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмаси бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси раиси*

ФОРУМ

## МАҲОРАТЛИ ЎҚИТУВЧИ – МИЛЛАТ ТАЯНЧИ

**Мирзачўл туманидаги 1-мактабда янги ўқув йили арафасида мактабгача ва мактаб таълими бўлими ҳамда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши ҳамкорлигида «Маҳоратли ўқитувчи – миллат таянчи» шиори остидаги тўртинчи устозлар миллий форумининг туман босқичи бўлиб ўтди.**



Унда 211 нафар илғор, ташаббускор ва фидойи тарбиячи, ўқитувчи ҳамда педагог иштирок этди. Тадбирда ўтган ўқув йилида юқори натижаларга эришган, ўқувчилари фан олимпиадалари ва турли кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этган бир гуруҳ фидойи устозлар ва муассаса раҳбарлари фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Анжуман нафақат ўтган ўқув йилини сарҳисоб қилиш, балки илғор тажрибаларни оммалаштириш, ўқитувчиларни рағбатлантириш ва уларнинг янги ўқув йилига янада шижоат ва илҳом билан кириб келишлари учун муҳим майдон бўлди. Унинг доирасида ўқитувчиларнинг амалий фаолиятига бағишланган шуъба йиғилишлари ҳам ташкил этилди. Педагоглар фанлар бўйича ажратилган синфхоналарда ўқув-методик жараёнлар, илғор тажрибалар ва замонавий технологияларни қўллаш масалаларини атрофлича муҳокама қилдилар.

**Мурод БЕКҚУЛОВ,**
*Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Мирзачўл тумани кенгаши раиси*

*Бу дунё кураш майдонидир. Бу майдоннинг қуроли соғлом жисму тан, ақл ва ахлоқдир.*
*Абдурауф Фитрат*



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ФАРМОНИ**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш, юртимизнинг иқтисодий тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш, Янги Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини юксалтиришга қўшган муносиб ҳиссаси, илғор инновацион технологияларни амалиётга жорий этиш, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, ҳудудлар инфратузилмасини жадал ривожлантириш борасидаги улкан хизматлари, жамиятимизда ижтимоий-маънавий барқарорликни сақлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги ибратли фаолияти ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

**Халилов Насриддин –** Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг ўсимликшунослик ва ем-хашак етиштириш кафедраси мудири, Самарқанд вилояти

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

**Кудратов Уктам Аралович –** «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Қизилқум кон бошқармаси «Пистали» кони бош муҳандисининг ўринбосари

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ГЕОЛОГ» ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

**Уразметов Шермухаммат Джумабаевич –** «Ўзбекгеофизика» акциядорлик жамиятининг «Устюрт геофизика экспедицияси» филиали геология-геофизика ишларини истиқболли прогнозлаш бўлими бошлиғи

**Ҳамроев Умаржон Артиқович –** «Навоий-уран» давлат корхонасининг «Уран ва ноёб металлар геологияси» илмий-ишлаб чиқариш маркази геология-қидирув экспедицияси бош геологи

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

**Турсунов Жамшид Юнусович –** Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси раиси

**Хидоятов Шерзод Саиджанович –** Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ТАДБИРКОР» ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

**Вахабов Даврон Абдужалалович –** Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси

**Саидмурадов Уктам –** Самарқанд туманидаги «Стеклопластик» масъулияти чекланган жамияти раиси, Самарқанд вилояти «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими» фахрий унвони билан

**Цой Николай Валерьевич –** «Uzbekistan airways» акциядорлик жамиятининг Парвозлар хавфсизлиги ва сифат таъминоти бошқармаси учувчи-инспектори

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ» ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

**Қудратхўжа Шерзодхон Тожиддинхон ўғли –** Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори

### «ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Айимбетова Гулхатша Аймановна –** «Айқулаш» қорақалпоқ давлат миллий фольклор ансамбли вокал артисти, Қорақалпоғистон Республикаси

**Ганиева Матлуба Махамажановна –** Андижон туманидаги «Орол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти

**Нематова Наргиза Исамиддиновна –** Олот тумани ҳокими, Бухоро вилояти

**Саидов Сирожиддин Салохович –** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси

**Тумишова Аксавли Молдагалиевна –** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Зарафшон шаҳридаги 9-умумий ўрта таълим мактаби директори, Навоий вилояти

### «ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

**Бердикулов Асатулла Ҳасанович –** Сардоба туманидаги «А.Қодирий» фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

### «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Ишметов Тимур Аминджанович –** Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси

**Мурадов Мансурджан Насирович –** Республика «Усто» уюшмаси раиси

**Хидиров Лочин Шопулотович –** «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Марказий кон бошқармаси цех участка устаси

### «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Акбаржонов Азиз Акбаржон ўғли –** «Ўзбекистон саноат-қурилиш банки» акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси

**Акрамова Хушвахт Норкуловна –** Бухоро шаҳридаги «Биродар шаҳарлар» жамияти раиси, Бухоро вилояти

**Арзиев Фарҳод Нуритдинович –** Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси

**Атабаев Шуҳрат Халдарович –** Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки бошқаруви раиси

**Бахрамов Шамирза Пашаевич –** Сирдарё тумани «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасаси техник-гидрометри, Сирдарё вилояти

**Иргашева Мархамат –** Мирзо Улуғбек туманидаги «Асака» маҳалла фуқаролар йиғини нуронийлар жамоатчилик кенгаши раиси, Тошкент шаҳри

**Исмоилов Хабибидин –** Фарғона туманидаги деҳқон хўжалиги боғбони, Фарғона вилояти

**Исраилов Исмаил Иркинович –** Тошкент шаҳридаги «Development and Marketing Group» масъулияти чекланган жамияти директорининг ўринбосари

**Кучкаров Бахром Тулкинович –** Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари

**Қодиров Акмал Сайфуллоевич –** «Enter Engineering Pte. Ltd» компаниясининг Имом Бухорий мажмуаси қурилиш лойиҳаси раҳбари

**Мухамматова Дилбар Даврановна –** Термиз туманидаги «Намуна» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сурхондарё вилояти

**Набиева Парахат Рахматуллаевна –** Шароф Рашидов туманидаги «Ҳукуматой Мирзаалиева» биолабораторияси раҳбари, Жиззах вилояти

**Наримбетов Юлдаш Ибрагимович –** Беруний туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Насиров Кузибой –** Қизилтепа туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Навоий вилояти

**Примов Орифжон Хасанович –** Паркент тумани нуронийлар жамоатчилик кенгаши фаоли, Тошкент вилояти

**Рахимова Нигина Хайруллаевна –** «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори

**Садовников Владимир Владимирович –** Наманган шаҳридаги «Проект-сервис» масъулияти чекланган жамияти директори, Наманган вилояти

**Санаев Исмат Санаевич –** Ўзбекистон Халқ демократик партияси Пахтачи тумани Кенгаши раиси, Самарқанд вилояти

**Сейтеков Турганбай Берданович –** Нукус тумани йўллардан фойдаланиш давлат муассасаси асфальт ётқизиш машинаси ҳайдовчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Сиротин Игорь Васильевич –** «Uzbekistan airways technics» масъулияти чекланган жамиятининг Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш маркази муҳандиси

**Соатов Мумин –** Кўкдала тумани нуронийлар жамоатчилик кенгаши фаоли, Қашқадарё вилояти

**Ташматов Тажидин Сатволдиевич –** Андижон вилояти йўллардан мунтазам фойдаланиш давлат муассасаси автогрейдер ҳайдовчиси

**Туляганов Кудратилла Асатуллаевич –** «Асака» акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси

**Турсунов Рашит Рахмонович –** «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг 3-автобаза бошлиғи

**Умерова Гаянэ Олеговна –** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг департамент бошлиғи

**Усманов Равшан Аброрович –** Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси

**Файзиева Васила Солиховна –** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси аъзоси

**Файзиева Дилором Хуснитдиновна –** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари

**Федин Александр Григорьевич –** Жарқўрғон туманидаги «Оқтепа» ов хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Хасанов Назиржон Набижанович –** «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси

**Хожибоев Эркинжон Валижонович –** Хонобод шаҳри ободонлаштириш бошқармаси кўкаламзорлаштирувчиси, Андижон вилояти

**Шералиев Курбонали –** Ховос тумани нуронийлар жамоатчилик кенгаши фаоли, Сирдарё вилояти

**Шерматов Зикрилла Шукурович –** «Нуроний» жамғармасининг Косон тумани бўлими раиси, Қашқадарё вилояти

**Шонагметова Нина Ефимовна –** «Ўрта Чирчиқ гидроэлектрстанциялари каскади» филиалининг ишлаб чиқариш-техник бўлими етакчи муҳандиси, Тошкент вилояти

### «СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдиев Жахонгир Ибрагимович –** Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари

**Абдуллаев Тулқин Мансурович –** Ўзбекистон Республикаси Кадастр агентлиги директорининг ўринбосари

**Абдусаттаров Тулкин Сайфуллаевич –** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

**Абидов Акмал Джурабаевич –** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

**Авезов Жасурбек Шавкатович –** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

**Бекмирзаев Диёрбек Абдугаппорович –** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

**Бутаев Ориф Алибоевич –** «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси

**Галтемиров Шароф Қурбанбаевич –** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

**Джахангирова Элла Анатольевна –** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг департамент бошлиғи

**Жуманиязов Нодир Кадамович –** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

**Жураев Баходир Ибрагимович –** «Иссиқлик электр станциялари» акциядорлик жамияти раиси

**Исмаилов Мурад Валижонович –** Ўзбекистон Республикаси спорт вазирининг ўринбосари

**Исхакова Гузал Гайратовна –** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

**Кадиров Шухрат Мунавварович –** Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги директори

**Киличов Тимур Машарибович –** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

**Қаршиев Рустам Жўраевич –** Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирининг ўринбосари

**Лапасов Улугбек Хидирович –** Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили

**Миракулов Миравзал Миродилович –** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

**Мирахмедов Зиёд Махамаджанович –** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

**Муталов Зохириддин Абдугапурович –** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

**Рахимова Гулнора Хашимовна –** Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг ўринбосари

**Рахматов Феруз Касимович –** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

**Саидолимов Саидхон Талъат ўғли –** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

**Тангриев Иззат Рахматуллаевич –** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

**Умаров Олимжон Мухамаджанович –** Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг биринчи ўринбосари

**Хайдаров Жаҳонгир Бахтиярович –** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

**Ходжаев Фуркат Салимович –** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

**Холмуродов Нозимжон Қосимович –** Ўзбекистон Республикаси инвестициялар, саноат ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари

**Холхўжаев Саидқаҳҳор Муҳаммадкарим ўғли –** Чилонзор тумани ҳокими, Тошкент шаҳри

**Хошимов Нодирбек Анваржонович –** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

**Юлдашев Кахрамон Анварджанович –** Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари

**Юсупбаев Шухрат Машхурович –** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

### «СОҒЛОМ ТУРМУШ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Тулабаев Мирзаали Эркабаевич –** Қўқон шаҳри нуронийлар жамоатчилик кенгаши спорт тарғиботчиси, Фарғона вилояти

### «КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Бозоров Миршодбек Шукур ўғли –** Ромитан туманидаги «Тарнаут» маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси, Бухоро вилояти

**Мажидов Бобомурод Баҳронович –** Тошкент шаҳридаги «Akfa Dream World» масъулияти чекланган жамияти директори ўринбосари

### «ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Аблаева Фароғат Муртазаевна –** Учтепа туманидаги заргарлик буюмлари ясовчи ҳунарманд, Тошкент шаҳри

**Жумаева Шоҳида Қулматовна –** Шеробод туманидаги касб-ҳунарга ўқитиш марказининг «Қорабоғ» ўқув маскани тикувчиси, Сурхондарё вилояти

**Имомаддинов Халилла Камолович –** Шовот туманидаги «Хўжаобод-2018» фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

**Мансуров Замир Бақоевич –** Вобкент туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Бухоро вилояти

**Орипова Зухрахон Аъзамовна –** Олтиариқ туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Фарғона вилояти

**Рўзиева Шаҳло Мансуровна –** Томди тумани спорт мактабининг шахмат бўйича мураббийси, Навоий вилояти

**Сафаров Музаффар Шавкатович –** Нарпай туманидаги маиший техникаларни таъмирлаш устаси, Самарқанд вилояти

**Солиев Лутфулложон Собитович –** Чуст туманидаги якка тартибдаги тадбиркор, тикувчи, Наманган вилояти

**Суюнов Мансур Халилович –** Фориш туманидаги видео монтаж устаси, Жиззах вилояти

**Турдиқулова Саёра Шарофовна –** «Ҳунарманд» уюшмасининг Китоб тумани бўлими аъзоси, каштадўз, Қашқадарё вилояти

**Худойбердиева Нодира Хомиджановна –** Шаҳрихон туманидаги ҳунарманд-тикувчи, Андижон вилояти

**Шакиров Илхам Гавазович –** Оқолтин туманидаги якка тартибдаги тадбиркор, фотосуратчи, Сирдарё вилояти

**Шарипов Максуд Кенжаевич –** Элликқалъа туманидаги автомобилларни таъмирлаш устаси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Эргашев Дониёр Азимович –** «Ҳунарманд» уюшмасининг Бўка тумани бўлими аъзоси, ёғоч ўймакорлиги устаси, Тошкент вилояти

>>> 6

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

<<< 5

**«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**
**(100 ёшдан ошганлар)**

**Гаданова Хатича –** Нарпай тумани, Самарқанд вилояти

**Галимова Назиба –** Боғот тумани, Хоразм вилояти

**Зарипова Наржан –** Беруний тумани, Қорақалпоғистон Республикаси

**Имомқулова Сухсурбу –** Поп тумани, Наманган вилояти

**Кенжаева Анор –** Янгиобод тумани, Жиззах вилояти

**Матисақова Мелибу –** Бувайда тумани, Фарғона вилояти

**Нарматов Уразали –** Сардоба тумани, Сирдарё вилояти

**Розиева Назмира Мирсултановна –** Мирзо Улуғбек тумани, Тошкент шаҳри

**Табаров Икрам –** Шўрчи тумани, Сурхондарё вилояти

**Тағоев Журақул –** Хатирчи тумани, Навоий вилояти

**Тешаев Ачил –** Жондор тумани, Бухоро вилояти

**Усмонова Мехри –** Чиноз тумани, Тошкент вилояти

**Ширназаров Махмадали –** Шаҳрисабз тумани, Қашқадарё вилояти

**Юлдошева Чинихон –** Пахтаобод тумани, Андижон вилояти

**«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абдурахмонов Ифтихор Исмоилович –** «Темирйўлинфратузилма» акциядорлик жамиятининг Қўқон локомотив депоси Андижон филиали тепловоз машинисти, Андижон вилояти

**Абдухакимова Гулфуза Абдурахмановна –** Пастдарғом туманидаги «Буюк Турон» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, Самарқанд вилояти

**Авазов Элмурод Рўзимуродович –** Жарқўрғон тумани ҳокими, Сурхондарё вилояти

**Адилов Юлдош Хасанович –** Мирзачўл туманидаги «Мирзачўл сервис авто» масъулияти чекланган жамияти автобус ҳайдовчиси, Жиззах вилояти

**Алиева Нодирахон Иброхимовна –** Риштон туманидаги «Агроном Алиев» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

**Алимджанов Камилжан Валиджанович –** Давлат резиденцияларига хизмат кўрсатиш ва тадбирларни ташкил этиш бошқармаси чилангар-сантехниги

**Аллабергенов Муродбек Анварбекович –** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази директори

**Аманов Ойбек Анварович –** Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти директори, Қашқадарё вилояти

**Амонов Наим Насимович –** «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Шимолий кон бошқармаси директори

**Арашов Жалол Самандарович –** Бухоро вилояти ҳокимининг қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари

**Арипов Бахтиёр Мухамедович –** Андижон туманидаги «Valley Fish» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

**Артиқов Меликузи Маматқулович –** «Сирдарё-Зарафшон» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси экскаватор машинисти, Жиззах вилояти

**Аскарова Гулжамол Шодмановна** – Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассиси

**Балтабаев Хабибулла Мўминович –** «UzAuto Motors» акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш дирекцияси пайвандлаш цехи бригада бошлиғи, Андижон вилояти

**Бегматов Абдулла Тўрақулович –** Боёвут туманидаги «Боёвутлик Ҳумоюн» фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

**Ғозиев Нурматжон Нуъмонжонович –** Бағдод тумани «Чекхитой» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Фарғона вилояти

**Давлатов Ибадулла Уракович –** Термиз туманидаги «Қорахон-Янгиариқ» фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Дадаходжаев Носир Ибрагимович –** «Тошкент шаҳар электр тармоқлари» масъулияти чекланган жамиятининг изоляция ва ўта кучланишдан ҳимояланиш ишлаб чиқариш хизмати бошлиғи ўринбосари

**Дехканов Азиз Равшанович –** Давлат резиденцияларига хизмат кўрсатиш ва тадбирларни ташкил этиш бошқармаси мутахассиси

**Джораев Джасур Саттиваевич –** Тошкент шаҳридаги «12-трест» акциядорлик жамиятининг 2-механизациялашган кўчма колоннаси электр-газ пайвандчиси

**Джумабекова Гулзайнат Хусановна –** «Чирчиқ трансформатор заводи» акциядорлик жамиятининг цех ғалтак ўровчиси, Тошкент вилояти

**Ёдгоров Шухрат Ўразбаевич –** «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Марказий кон бошқармаси «Мурунтоғ» кони участка портлатувчиси

**Имамбердиев Надир Аскарович** – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг 3-Мис бойитиш фабрикаси янчиш ва флотациялаш цехи тегирмон машинисти

**Иминов Абдулазиз Турдиевич** – Тошкент шаҳридаги «Green TV» масъулияти чекланган жамияти мутахассиси

**Иргашев Элёр Агламович** – «Гидропроект» акциядорлик жамияти бош муҳандиси

**Кутлимуратова Нигора Машариповна –** Хоразм вилояти ҳокимининг ўринбосари – оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи

**Қодиров Алишер Абдулахатович** – Қашқадарё вилояти ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари

**Қодиров Рўзимбой Қурбанович –** «Чапқирғоқ Амударё» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси экскаваторчиси, Хоразм вилояти

**Магзамов Азамат Парахатович –** Кегейли тумани «Жузим бағ» овул фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Мадатова Онара Джуракуловна –** Хатирчи туманидаги «Лангар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Навоий вилояти

**Маликова Гулчехра Рихсихўжаевна –** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти бош илмий ходими

**Мамаражабова Баҳора Дилмуродовна –** «Ҳунарманд» уюшмасининг Навоий вилояти бошқармаси аъзоси, каштачи

**Маматмўминов Акмал Жайловович –** Ангор туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Сурхондарё вилояти

**Мансуров Ахрор Ахмадалиевич –** Мингбулоқ тумани ҳокими, Наманган вилояти

**Миноварходжаев Убайдулла Тахтаевич –** Яшнобод туманидаги «Беҳизор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

**Мирзаев Нурали Аскаралиевич –** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг мутахассиси

**Мусурманова Шоира Акбоевна** – Булунғур туманидаги «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходими, Самарқанд вилояти

**Назаров Эркин Эргашович –** Яшнобод туманидаги «Яшнобод махсустранс» автотранспорт филиали ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

**Насирова Фируза Руфатовна –** Навоий шаҳар солиқ инспекциясининг маҳаллаларга бириктирилган солиқ инспекторлари шуъбаси давлат солиқ катта инспектори, Навоий вилояти

**Нурматова Умигулсин Умирзоковна –** Тўрақўрғон туманидаги «Мозоркўҳна» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, Наманган вилояти

**Нурметова Елизавета Викторовна –** «Тошкент метрополитени» давлат унитар корхонасининг ҳаракат хизмати поезд диспетчери, Тошкент шаҳри

**Нуруллаев Зафар Деҳқонович –** Самарқанд шаҳри ободонлаштириш бошқармасининг Сиёб ҳудуди бошлиғи, Самарқанд вилояти

**Обидов Вохид Тўхтасинович –** Ёзёвон туманидаги «Мезон» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

**Отажанова Рахима –** Шовот тумани нуронийлар жамоатчилик кенгаши фаоли, Хоразм вилояти

**Парпиев Пўлатжон Расулович –** Норин туманидаги «Ровот» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар бўйича маслаҳатчиси, Наманган вилояти

**Раймов Алишер Абдумаликович –** Ангрен шаҳар ҳокими, Тошкент вилояти

**Рахимов Ёкубжан Абдуллажанович** – Учқўрғон туманидаги «Иминжон Муҳаррам Бону» фермер хўжалиги трактор ҳайдовчиси, Наманган вилояти

**Рахматиллаев Озатбек Зарипович –** Урганч туманидаги «Давлат-Рахматулла» фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

**Ризаев Фазлиддин Исмоилович –** Самарқанд шаҳридаги «Самарқанд автомобиль заводи» масъулияти чекланган жамияти бош технологи, Самарқанд вилояти

**Рузиев Азамат Абдирашидович –** Қоракўл тумани «Мирзақалъа» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Бухоро вилояти

**Рўзиев Руслан Насирович –** Конимех тумани ҳокими, Навоий вилояти

**Рўзметова Зебинисо Жуманазаровна –** Қўшкўпир туманидаги «Кенагас» биосервиси раҳбари, Хоразм вилояти

**Сайидмусаев Сайидбахром Сайидбурхонович –** Сўх тумани ҳокими, Фарғона вилояти

**Самақова Мастурахон Эргашевна –** Ўзбекистон туманидаги «Яйпан агропилла» масъулияти чекланган жамияти бош агрономи, Фарғона вилояти

**Сориев Шерзод Эшонкулович –** Пахтакор туманидаги «Шер-Улуғ-Жаҳон» фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

**Сулайманова Гулсима Бахитжановна –** Мўйноқ туманидаги «Қозоқдарё» овул фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Султонов Нуриддин Абдухамидович –** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси аъзоси

**Тойнбаев Абдикадир Эралиевич –** «Шўрўзак-Сирдарё» ирригация тизими бошқармасининг туманлараро каналлар бўлими Ўнг тармоқ канали гидротехниги, Сирдарё вилояти

**Турсунбоева Дилфуза Тошбоевна** – Бахмал туманидаги «Музбулоқ» ва «Ватанпарвар» маҳалла фуқаролар йиғинлари хотин-қизлар фаоли, Жиззах вилояти

**Турсунова Дилбар Номозовна –** Яккабоғ тумани ободонлаштириш бошқармаси бригада бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Турсунова Норбиби Мардановна –** Бекобод туманидаги «Олтин пилла» масъулияти чекланган жамияти пиллачиси, Тошкент вилояти

**Улугов Асроржон Аскаралиевич** – «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамиятининг «Тўполанг ГЭС» филиали директори

**Фазилова Фатима Мурадуллаевна –** «Ўзбекгидрогеология» давлат муассасасининг Ғарбий Ўзбекистон дала гидрогеология экспедицияси гидрогеология партиялари етакчи гидрогеологи, Сурхондарё вилояти

**Худойбердиева Муқаддас Абдулхаковна –** Гулистон туманидаги «Соҳил», «Боёвут» ва «Тераксор» маҳалла фуқаролар йиғинлари хотин-қизлар фаоли, Сирдарё вилояти

**Ҳайдаров Илғор Баракаевич –** Шофиркон туманидаги «Азим Шофиркон юлдузи» фермер хўжалиги трактор ҳайдовчиси, Бухоро вилояти

**Шертойлоқова Гавхарой Нуманжон қизи –** «Ўзбекистон миллий метрология институти» давлат муассасасининг Андижон вилояти филиали бўлим бош мутахассиси

**Юсупов Олим Қодирқулович –** Паркент туманидаги «Сайёҳ-2000» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2025 йил 25 август*

---

ЎҚУВ

# АГРОБИЗНЕС УЧУН ФОЙДАЛИ АНЖУМАН

**Наманган шаҳрида «Ўзбекистон аграр соҳа аёллари» уюшмаси «Аҳоли томорқаларида интенсив усулда боғдорчилик, узумчилик ва гулчиликни ривожлантириш» мавзусида семинар-тренинг ўтказди.**

Тадбир Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгаши билан ҳамкорликда Германия тараққиёт банки (KfW) ҳамда Бизнес ва финанс консалтинг (BFC) GmbH молиявий кўмагида ташкил этилди.

«Аёллар дафтари»га киритилган 30 нафар хотин-қиз қатнашган анжуманда интенсив боғ-токзорлар самарадорлигини ошириш, соҳада қўшимча қиймат занжирини яратиш имкониятларини кенгайтириш, ишсиз хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш, агробизнесга жалб этиш орқали даромадини кўпайтириш мавзуларида тушунчалар берилди.

Наманган шаҳри «Зарбдор» маҳалласида яшовчи Раъноxон Қосимова бундан 5 йил аввал «Аёллар дафтари»га киритилиб, унга кредит эвазига 1 сотихли иссиқхона қуриб берилганди. Ҳозир у помидор ва гул кўчатлари етиштириб, йилига уч марта ҳосил олмоқда.

– Семинар-тренинг биз учун ҳар томонлама фойдали бўлди. Томорқада интенсив усулда боғдорчилик ва узумчиликни ташкил этиш, маҳсулотларни саралаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш, шунингдек, бизнесини йўлга қўйишга доир билим ва маълумотларга эга бўлдик, – дейди зироатчи аёл.

Семинар якунида иштирокчиларга сертификатлар топширилди.

**Шавкатбек ҚАҲАРОВ,**
*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти Кенгаши раисининг хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари бўйича маслаҳатчиси*

---

# ФИДОЙИЛАР ҲАФТАЛИГИ

ТАДБИР

**Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги муносабати билан жойларда маънавий-маърифий, интеллектуал ва спорт тадбирлари ташкил этилмоқда. Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси ташаббусига кўра, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида бўлиб ўтган «Заковат» интеллектуал ўйини ана шу ишларнинг узвий давоми бўлди.**




Беллашувда жамоалар тарих, иқтисодиёт, маънавият ҳамда касаба уюшмаларига оид саволларга жавоб излашди.

«Ўзпаравтотранс» АЖда эса «Соғлом муҳит – соғлом жамоа» шиори остида мусобақа ташкил этилди. Унда иштирокчилар ирода ва жамоавий ҳамжиҳатликни намоён этишди. Шунингдек, Энергетика, нефть-газ ва геология соҳасидаги корхона ва ташкилотларда ҳам тадбирлар, маънавий-маърифий учрашувлар ўтказилди.

Касаба уюшмалари томонидан ташкил этилаётган бу каби йиғинлар ишчи-ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга, уларнинг жисмоний ва маънавий баркамоллиги, касбий салоҳияти ҳамда жамоавий бирдамлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

**Дилдора ИБРОҲИМОВА**
*«ISHONCH»*

Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур.
Маҳмудхўжа Беҳбудий



АНЖУМАН



# ЙЎНАЛИШДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Кейинги йилларда жамиятда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси айни шу йўлда жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Гендерга оид аудиторлар гуруҳлари учун ташкил этилган янги услубиятнинг мазмун-моҳияти ҳақидаги амалий семинар ҳам мазкур ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ходимлари, тармоқ касаба уюшмалари ва ҳудудий кенгашлар масъуллари ҳамда аудиторлар гуруҳи аъзолари, мутахассислар иштирок этди.

Йиғилишда услубиятга киритилган вазифалар, аудитни ташкил этиш механизмлари, бу бўйича халқаро тажрибалар муҳокама қилинди.

Куннинг иккинчи ярмида кичик гуруҳларга бирлашиб ўтказилган амалий машғулотларда Гендерга оид аудитнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз борди.

– Семинарда керакли маълумотлар ва ўзимизни қизиқтирган саволларга жавоб олдик, – деди Ички ишлар вазирлиги масъул ходими Наргиза Миржалолова. – Айниқса, Гендерга оид аудит ўтказилиши режалаштирилган вазирликлар учун олдиндан батафсил маълумот берилгани айни муддао бўлди.

**Дўстмурод ТЎЙЧИЕВ,**
*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекцияси бошлиғи ўринбосари, бош меҳнат техник инспектори*

ЁШЛАР ОВОЗИ

**Навоий вилоятида 270 минг нафардан зиёд касаба уюшмаси аъзолари бўлса, шундан 80 минг нафардан ортиғини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Уларни ижтимоий-иқтисодий ҳаётга фаол жалб этиш, фикрларига қулоқ тутиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш – ҳар бир масъул раҳбарнинг, ҳар бир ташкилотнинг муҳим вазифаларидан саналади.**

# БУГУНГИ ИШОНЧ – ЭРТАНГИ ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Шу мақсадда жорий йил бошида вилоятда махсус «Ёшлар дастури» ишлаб чиқилди. У 8 йўналиш, 22 банддан иборат бўлиб, ёшлар манфаати, рағбатлантириш, ҳуқуқий ҳимоя ва уларни фаол ҳаётга жалб қилиш каби долзарб масалаларни мужассам этган.

Ҳар қандай дастур қоғозда эмас, амалда ифодасини топсагина қимматга эга бўлади. Вилоятда ёшлар иштирокида қатор йирик лойиҳалар амалга оширилди: «Раҳбар ва ёшлар» учрашувларида 1150 нафар йигит-қиз ўз фикрини билдириш имконига эга бўлди. «Маънавият соатлари»га 1385 нафари жалб этилди. Минг нафарга яқин йигит-қиз иштирокидаги юриш марафони – соғлом турмуш тарзига ташланган қадам бўлди. Шахмат мусобақалари, «Заковат» интеллектуал ўйини, тарихий обидаларга саёҳатлар уларнинг дунёқарашини янада кенгайтиришга хизмат қилди.

Улар учун касаба уюшмалари стипендияси, бепул санаторий йўлланмалари, имтиёзли ссудалар, иш ҳақини тиклаш каби моддий ва ҳуқуқий ёрдамлар амалга оширилди. Ҳа, касаба уюшмалари ёшларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш баробарида маънавий, маданий, интеллектуал ва спорт соҳаларидаги камолоти учун ҳам шароит яратмоқда. Хусусан, 841 та ташкилотда 3350 нафар кам таъминланган ёш оилаларга 2 миллиард 600 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилган. Болали оналар учун енгилликлар яратилди, иқтидорли талабаларнинг шартнома пуллари тўлаб берилди.

Жорий йилнинг 25-26 июнь кунлари илк бор «Касаба уюшмалари ёшлари – Янги Ўзбекистон бунёдкори» шиори остида ёшлар форуми ўтказилди. Унда ёшлар ҳаётий, келажак учун асқатадиган турли ташаббус ва ғоялар билан иштирок этишди. Форум якунида қабул қилинган Мурожаатнома келгуси вазифалар, йўналишларни белгилаб берди.

Бир сўз билан айтганда, касаба уюшмалари тизимида амалга оширилаётган барча ишлар бир ғоя атрофида жамланган: ёшларга ишонч билдириш ва уларга қанот бериш. Зеро, бугунги ишонч – эртанги тараққиёт кафолати.

**Дилафрўз ЎРОЗОВА,**
*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти Кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси*

ТАҲЛИЛ

# КЕЛАЖАК АВЛОД БАХТИ УЧУН

**Фарзандларимизнинг сифатли таълим олиши билан бирга, таътилни мароқли ўтказишларига ҳам эътибор қаратиш муҳим. Шу мақсадда Қорақалпоғистон Республикасида ёзги мавсум юқори савияда ўтказиляпти. Бу йил 11 та стационар оромгоҳда 7 140 нафар болани қамраб олиш режалаштирилган бўлса, шу вақтгача 6 755 нафар бола ҳордиқ чиқарди. Яна 5 та оромгоҳда 905 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилиши ва дам олиши кўзда тутилган.**

Оромгоҳларда ҳар бир кичкинтой турли тўгаракларга йўналтирилади. Уларнинг нафақат соғлом дам олиши, балки маънавий ва интеллектуал ривожланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, «Янги Ўзбекистон оромгоҳларида болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш» бўйича 12 кунлик намунавий дастур асосида маданий-маърифий, спорт ва ижодий тадбирлар ўтказилиб келиняпти. Шунингдек, 5 ташаббус доирасидаги тўгараклар болаларнинг ҳам ақлан, ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлиб улғайишига ҳисса қўшиши шубҳасиз. Шунингдек, бу борада «Энг яхши шеър айтиш», «40 саволга 40 жавоб», «Оромгоҳ тарбиячиси», «Оромгоҳ етакчиси» сингари қатор танлов ва мусобақаларнинг ўрни ва роли ҳам эътирофга лойиқ.

Яна бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим: Президентимизнинг Қорақалпоғистонга бўлган алоҳида эътибори ва ғамхўрлиги боис Мўйноқ туманида қад ростлаган замонавий «Оқ кема» оромгоҳи бугунги кунда болажонларнинг энг севимли масканига айланган, десам муболаға бўлмас. У ерда «Қум», «Лего», «Кубик-рубик», «Караоке», «Медиа», «Чет тили» маҳорат дарслари йўлга қўйилган. Ажабмаски, машғулотлар орқали қанчалаб иқтидор ва қобилиятлар юзага чиқса...



Элликқалъа туманида Ақчакўл соҳили яқинида жойлашган яна бир гўзал маскан – «Орол болалари» оромгоҳи ҳам ана шундай мақсадларни мужассам этган. Бу ердаги муҳит, ажойиб манзара ва завқу шавққа тўла кунлар болажонлар таътили мароқли ўтишига хизмат қилмоқда.

Шуни эътироф этиш керакки, бундай оромгоҳлар юртимизда яратилган кенг имкониятлар билан бирга, ҳар бир оила фарзанди муносиб шароитда униб-ўсиши, соғлом бўлиб улғайишига қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

**Раҳмон МАДРЕЙМОВ,**
*Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаментининг Қорақалпоғистон бошқармаси раҳбари*



ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ

# ЎЗБЕК МАЙИЗИ
## ЖАҲОН БОЗОРИНИНГ ЭНГ САРА МАҲСУЛОТИ БЎЛА ОЛАДИМИ?

**Бу йил ёзнинг иссиқ ва қуруқ келиши боғбонлар учун катта ташвиш туғдирди. Аксарият лалмикор ҳудудлардаги токзорларда етарлича агротехник тадбирлар ўтказилишига қарамасдан, узум новдаларида «чарчоқ» кузатилди. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизнинг майиз етиштиришдаги драйвери бўлган самарқандлик боғбонларда жиддий ҳавотир уйғотди.**



Ўзбек майизи жаҳон бозорида ўзига хос мавқега эга. Бундан беш йил муқаддам мақомимиз дунё бозорига майиз экспорт қилувчи тўртинчи давлат сифатида мустаҳкамланганди. Кейинги йилларда ЖАР ва Чили мамлакатлари бу борада биздан ўзиб кетди. Биз эса рейтингда анча пастлаб кетдик. Бунинг асосий сабабларидан бири глобал иқлим таъсири дейишимиз мумкин.

– Майизбоп узум етиштиришнинг ўзига хос сир-асрорлари бор. Биргина ток поясини кўмишдек машаққатли ишга қўл учида ёндаша бошлаганимизга анча бўлди, – дейди самарқандлик уста боғбон Жамолиддин Алманов. – Бизнинг ҳудуд шароитида ҳар бир туп ток устига камида 200-300 килограмм тупроқ тортилиши керак. Кўмишда қатор орасидаги тупроқни ковлаб ток устига қанчалик қалин тортилса, илдиз пастга ташлайди, дейишарди. Чуқурга тўлдирилган яхоб суви натижасида ёзнинг чилласида ҳам экин чанқаб қолмасди. Жўякларнинг баландлиги бир метргача қалин кўмиларди. Ток тупроқни хуш кўради. Қолаверса, қуруқ тупроқ уни касаллик тегишидан асрайди. Иқлим ўзгариб кетди. Энди қорли қаҳратон қишлар йўқ. Шу боис токлар устига номига тупроқ тортиш урфга кирган. Баъзи жойларда мутлақо кўмилмайди ҳам. Шу сабаб ҳосил кўп бўлса-да, сифатли, майизбопи кам...

### ЎЗИНИ ОҚЛАЁТГАН ИШТИХОНЧА УСЛУБ

Сўнгги ўн йил иштихонлик боғбонлар ҳаётида чинакамига туб бурилиш бўлди. Туманнинг кам сувли, лалмикор майдонларига туташ ҳудудда ток ўстирилган. 22 та маҳалла аҳли ўз иқтисодларини бевосита майизбоп узум етиштириш билан боғлаган. Айни чоғда улар тасарруфидаги уч минг гектарга яқин майдонларда ток ўстирилиб, маҳсулот етиштирилмоқда.

– Майизбоп узум етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари тасарруфида 14 минг гектар ер бор. Айни чоғда бу ерларда 800 нафардан ортиқ кишининг бандлиги таъминланяпти, – дейди Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Иштихон тумани кенгаши раиси Матлуба Музрапова. – Қолаверса, узум териш, ток кесиш, кўмиш мавсумларида минглаб мавсумий ишчилар шартнома асосида вақтинчалик юмушларга жалб этиб келинмоқда. Энг муҳими, фермерлар доимий ва мавсумий ходимларга меҳнат шароити яратиш билан биргаликда меҳнатга ҳақ тўлашда узилишларга йўл қўймаяпти.

Туманда ўтган йили хорижий давлатларга 25 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари экспорт қилинган бўлса, шунинг 15 миллион долларини майиз ташкил этган. Айни йилда туман аҳли экспорт миқдорини 50-60 миллион долларга етказиш ҳаракатида.

– Ток парваришида ота-боболаримиздан қолган услуб – экинни ер бағирлатиб (тупроқда ёйилиб) ўстириш ўзини оқламай қолди, – дейди иштихонлик боғбон Рустам Тиркашев. – Боғдорчиликни шпалга (устун боғлаб кўтариш)га асосланган амалиёт ҳозирги иқлим шароитига мос келяпти. Бу усулни қўллаган миришкорлар анъанавий усулда ток парваришлаётганлардан икки-уч баробар кўп ҳосил оляпти. Узум сифати ҳам кескин ошяпти. Яна бир жиҳати, токзорга ўрнатиладиган ҳар бир устун (шпал) қозиғи учун давлат томонидан 15 минг сўмдан субсидия ажратилмоқда. Ток парваришини ана шу усулга таянган ҳолда ташкил этсак, маҳсулотнинг жаҳон бозоридаги мавқеи янада юксакроқ кўтарилади.

Иштихонликларнинг бу борадаги изланиш, интилиши чексиз. Уларни қувонтиргани ҳудудда М.Мирзаев номидаги узумчиликни ривожлантириш илмий текшириш институтининг туман филиалига асос солингани бўлди. Энди боғбонларга суянч ҳам, жўяли маслакдош ҳам шундоқ ёнларидан жой олади. Қолаверса, туманда жорий йилнинг ўзида иш бошлаган Хитой технологияси асосидаги учта, жами 10 та майизни қайта ишлаш корхонаси майиз рақобатбардошлигини оширишга асос яратмоқда.

### САФГА ҚЎШИЛАЁТГАН ҚЎШРАБОТ

Азалдан Хатирчининг Учқора майизларига фақатгина Қўшработ майизларигина рақобатлаша олади. Узумчиликда ўз навини яратган донишманд боғбонлар бу ҳудудда ҳам етарли. Аммо иқлим ўзгариши бир неча йилдан буён қўшработлик боғбонларга ташвиш туғдирмоқда. Ўтган йили занг ва чириш касали, бу йил эса иссиқ бўлди. Сал эътиборсизлик қилганлар токларини «чарчат»ди. Уста деҳқонларнинг айтишича, ҳаво ҳароратининг ўта юқорилаб кетгани, тупроқнинг меъёрдан ортиқ қизигани ток баргларини сўлитган. Чарчоқ экинга тўрт маротабалаб сув қўйилса-да, ўзини ўнглолмаган. Аммо омилкорлик қилиб, ҳосилни сақлаб қолганлар оз эмас.

Ана шундай тадбиркордан бири «Оқтепа гарден» фермер хўжалиги раҳбари Бозорбой Худойқулов. Унинг ютуғи 4 гектар майдондаги токзорга устун (шпал) тортганида бўлди.

– Шу усул сабаб ҳосилдорлик уч-тўрт баробарга ортди, – дейди деҳқон. – Илгарилари ер бағирлаб ўсган экинга ишлов бериш, касалликларга қарши дорилаш, хомток қилиш, ҳатто, суғоришда ҳам анча қийинчиликлар бўларди. Олдин бир гектар ердан 50 миллион сўм даромад қилган бўлсак, токларни кўтаргач, гектаридан 150 миллион сўмлик ҳосил оляпмиз.

«Пангат» маҳалласида яшовчи Отамурод Қаҳрамонов 2016 йилда коллежни тамомлаб, ўз иқтидорини боғбончиликда синаб кўришга қарор қилган. Дастлаб 20 сотих ерга ток кўчатини қадади. Кейинчалик 80 сотих майдонга «Гигант», «Қора кишмиш» навли узум экди. Аммо токзор ҳадеганда ёш боғбон кутган натижани беравермади. Шунда боғбон тажрибаларга қизиқди, соҳадаги янгиликларни ўрганди.

– Кузатиб-кузатиб, токни устунга тортиш усулини амалиётга жорий этдик, – дейди боғбон. – Асосий майдонларимиз адирлик бўлгани учун томчилатиб суғориш тизимини ишга туширдик. Бу узумларга бир хил шароитда озиқланиш имкониятини яратди, қолаверса, кам сув сарфланяпти. Мазкур усул қатор ораларига техника билан ишлов бериш, суғориш, ўғит таъминоти, зараркунандалардан асрашда жуда қўл келади. Узумлар донадор, ширали бўлиб, бошлар яхши тўлишади. Тажрибадан кўриняптики, ер бағирлаб ўсган токдан кўра, устунга тортиш усули айни бизбоп экан.

### СОҲА ИСТИҚБОЛИ ҚАНДАЙ?

Президентимиз ташаббуси билан мазкур соҳа ҳам тузилмавий босқичга кирди. Узумзорларда етиштириладиган майизнинг ҳамда экспортга йўналтирилган ушбу маҳсулотнинг 65 фоизини таъминлаб бераётган Самарқандда истиқболли лойиҳалар амалга ошириляпти. Жумладан, Қўшработга ушбу йўналишда «базавий» туман мақоми берилди. «Қўшработ агро стар» МЧЖ ташкил этилиб, унинг зиммасига Иштихон, Ургут, қолаверса, Навоий вилоятининг Хатирчи туманлари майиз етиштирувчиларининг бошини қовуштириш топширилди.

Эндиликда мамлакатдаги мавжуд 90 минг гектар майизбоп узум етиштириладиган майдонларнинг 32 875 гектарлик ҳудуди айни шу корхона қамровига олинди. Шунингдек, Халқ банки ва мазкур МЧЖ ҳамкорлигида Қўшработ туманида замонавий агросаноат мажмуасига асос солинди. У ерда майизбоп узум етиштириш, қуритиш, лаборатория синовларидан ўтказиш, қайта ишлаб қадоқланган шаклда ички ва ташқи бозорга миллий бренд номи билан чиқариш каби жараёнлар амалга оширилади. Бу, албатта, ўзбек майизи дунё савдо пештахталаридан энг сара маҳсулот сифатида ўрин олишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Нурилла ШАМСИЕВ**
*«ISHONCH»*

*Адабиёт яшаса – миллат яшайди.*
*Чўлпон*






# ВАТАН МАНЗУМАСИ

**1**

*Сочга қўнгач қировлар-қорлар,*
*Дилни ёшлик гашти тутмайди.*
*Ташлаб кетар содиқ дўст-ёрлар –*
*Фақат Ватан ташлаб кетмайди.*
*Гар қадарнинг яқосин ушлаб,*
*Борай десанг, шаҳдинг етмайди.*
*Отанг-онанг кетадир ташлаб –*
*Фақат Ватан ташлаб кетмайди.*
*Вақти келиб, етса фурсати*
*Бу оламдан кимлар ўтмайди.*
*Энг буюк садоқат кўрсатиб,*
*Фақат Ватан ташлаб кетмайди.*
*Бир ёстиқда бир умр яшаб,*
*Видо айтсанг оҳинг етмайди.*
*Севган ёринг кетса-да ташлаб,*
*Фақат Ватан ташлаб кетмайди.*
*У қолар мангуга – абадий*
*Муқаддас бир ҳисга айланиб.*
*У қолар, кетсанг сен кетасан –*
*Кетасан кўксига жойланиб.*
*Бир ҳовуч тупроққа айлансангда жим*
*Бағрида ётасан ийманиб*
*Фақат Ватан ташлаб кетмайди!*
*Ҳаргиз Ватан ташлаб кетмайди...*

**2**

*Мен кимманки, бу буюк нур теграсида,*
*Кўксимдаги минг бир шаҳдим гирён бўлсин.*
*Гар мўйсафид, лек боламдай норасида –*
*Боболардан қолган шу юрт омон бўлсин.*
*Мен кимманки, бу боғларнинг шамолида,*
*Ҳилпирайди озод бир туғ чандон бўлсин.*
*Бўй чўзсин у гўдакларнинг камолида –*
*Момолардан қолган шу юрт омон бўлсин.*
*Мен кимманки, бу дарёлар қирғоғида,*
*Оқар сувдай шонлар оқар жавлон бўлсин.*
*Широқ қони томган саҳро янтоғида –*
*Дуоларда қолган шу юрт омон бўлсин.*
*Ортиқча сўз на даркордир улуғ юрт бу,*
*Қадди баланд, шараф-шони осмон бўлсин.*
*Илм ила, адаб ила қутлуғ юрт бу –*
*Даҳолардан қолган бу юрт омон бўлсин.*
*Боболардан қолган шу юрт омон бўлсин!*

**3**

*Эркинлик ва ҳурлик энг буюк нажот,*
*Қолган туйғуларнинг моҳияти талх.*
*Зеро, биз бир бўлсак – Ватанмиз,*
*Бирлашсак ягона халқ.*
*Бедор юракларда битта ихлос бор,*
*Халқим шу нажот деб мудом жўш ва қалқ.*
*Бу ёлғон дунёда ягона рост бор –*
*Биз бир бўлсак – Ватандирмиз, бирлашсак ягона халқ.*
*Забардаст тоғлару, шоён чўққилар,*
*Донишманд тупроқдан ўгит бу барҳақ.*
*Шукуҳ ила жўшиб айтар озод руҳ –*
*Биз бир бўлсак – Ватандирмиз, бирлашсак ягона халқ.*
*Жалолиддин, Темур Малик, Широқ кечган қон ҳаққи,*
*Алп Эр Тўнгадан қолган қадимий армон ҳаққи,*
*Манглайдаги шу Озодлик, вужуддаги жон ҳаққи –*
*Биз бир бўлсак – Ватандирмиз, бирлашсак ягона халқ.*
*Бу жаҳон ганжинасида ёвқуру, дурдона халқ –*
*Биз бир бўлсак – Ватандирмиз, бирлашсак ягона халқ!*
*Бу мунаввар тонглар учун минг шукр эй Раббано,*
*Саҳарларда саловотлар айтайин санга мано,*
*Тинглагай гар аҳли башар, англагай дайри-фано,*
*Ким кўрган кўҳна равотда шундайин фарзона халқ*
*Биз бир бўлсак – Ватандирмиз, бирлашсак ягона халқ!*
*Жадидларнинг уйғоқ руҳи нафаси бор ҳурлик бу,*
*Чанқовуздан таралган савт-жон саси бор ҳурлик бу.*
*Неча мазлум элатларнинг ҳаваси бор ҳурлик бу –*
*Мард бўлгин бу юрт корига, эй азал мардона халқ,*
*Биз бир бўлсак – Ватандирмиз, бирлашсак ягона халқ!*

**4**

*Ер айланган каби ўз атрофида,*
*Ой айланган каби ердан бегумон.*
*Ернинг теграси-ю, қуёш сатҳида,*
*Барига доялик қилгандай осмон –*
*Сендан айланаман жон Ватан.*
*Сенга айланаман жон Ватан.*
*Юлдузлар бир мовий рўёлар экан,*
*Ернинг қон томири дарёлар экан,*
*Гар кўнгил бу ҳисдан уёлар экан –*
*Дунё мени сенда тан олар экан –*
*Сендан айланаман жон Ватан.*
*Сенга айланаман жон Ватан.*
*Кафтдаги чизиқдай мунаққаш бу ҳис,*
*Жонга тафт киргизар ўт-оташ бу ҳис.*
*Август тунларининг сўнгида ёлғиз –*
*Англадим,англадим,туйдим дафъатан –*
*Сенга дилим ёрсам холис бешикан –*
*Мендан айланасан жон Ватан.*
*Менга айланасан жон Ватан.*
*Мен эсам шу меҳринг тафтида эриб,*
*Шу гўзал туйғуга жонимни бериб –*
*Сенга айланаман жон Ватан.*
*Сендан айланайин жон Ватан!..*

**5**

*Чўлларда ўсгандек алаф-қиёқлар,*
*Жононлар кўп аммо, фидо бир жон йўқ.*
*Одамсимонлар кўп, одамсиёқлар –*
*Бугун Қодирий йўқ, бугун Чўлпон йўқ....*
*Бўлганда не эди, деманг ҳойнаҳой*
*Миллатларнинг ҳолига зору – гирён йўқ.*
*Атрофда одам кўп, одам кўп вой-вой –*
*Дардинг тинглагувчи битта инсон йўқ!*
*Хайрият, бир тоза ҳис бор – Ватан бу,*
*Минг бир ғамни кўриб қорайган кўз бор.*
*Энг гўзал туйғу бу – юртга муҳаббат,*
*Хайрият, дунёда шу тоза ҳис бор.*
*Элни севмак каби шоирона ҳис,*
*Не бор шу миллатнинг оридай обод.*
*Минг бир пушаймон бор, минг битта афсус –*
*Юрт меҳри баридан муҳташам озод!*
*Қолган рўёларнинг бари ўткинчи,*
*Фақат Ватан ишқи абадий собит.*
*Қолган рўёларнинг бари ўткинчи,*
*Фақат Ватан ишқи абадий собит.*
*Суду савдоларнинг бари ўткинчи –*
*Фақат юрт тупроғин кўзларингга сурт.*
*Фақат шу тупроқ бор баридан улуғ!*
*Келажак наслар кўпроқ англагай,*
*Руҳларга санчилгай муқаддас бу туғ.*
*Қадим боболардан энг буюк мерос –*
*Фақат шу Ватан бор, Ватан бор улуғ.*
*Миллатнинг дардига дармон бўлиб ўт,*
*Кўприк сол илмингдан етти осмонга.*
*Сендан наф кўрсин шу эл, ушбу юрт –*
*Гар номинг таралсин бутун жаҳонга.*
*Қанча шарафларнинг қўлидан тутма,*
*Билки бу шаънингни улуғлар фан бор.*
*Асло унутмагин, зинҳор унутма –*
*Фақат шу Ватан бор, фақат Ватан бор.*
*Азал шу Ватан бор,*
*Абад шу Ватан бор.*
*Уни севмоқ деган муқаддас фан бор.*
*Барчаси ўткинчи, фақат Ватан бор!*
*Қолгани шунчаки жимжимадор сўз,*
*Қолгани шунчаки вақтнинг шиддати.*
*Ватан бу Нажмиддин Кубродан қолган –*
*Шаҳид бармоқларнинг буюк ибрати!*
*Азалдан Ватан бор –*
*Абад Ватан бор.*
*Фақат Ватан бордир –*
*фақат Ватан бор.*

**Санобар МЕҲМОН,**
*шоира*

---

■ ЮРТИМИЗ СИҲАТГОҲЛАРИДА




# «ЯНА КЕЛИШНИ ДИЛИМГА ТУГДИМ»

## «ЗАРКЕНТ» САНАТОРИЙСИ ДАМ ОЛУВЧИЛАРИ БУНДАЙ ЭЪТИРОФЛАРНИ КЎП АЙТИШАДИ

**Тошкент вилояти Паркент тумани Заркент қишлоғида ажойиб санаторий бор. Денгиз сатҳидан 800 метр баландликда жойлашган 120 ўринли бу масканнинг атрофи кенг ўрмонзор билан ўралган. Мусаффо, кислород ва шифобахш эфир мойларига бой ҳавоси нафас тизими аъзоларининг носпецифик ҳамда аллергик касалликлар учун айни муддао. Тоғ этагидан оқувчи табиий маъданли минерал сув эса овқат ҳазм қилишга самарали таъсир қилади.**

Бу ерда дам олувчиларни соғломлаштиришда физиотерапия, сунъий гиёҳли ва тузли ванналар, сувли муолажалар, массаж, жисмоний тарбия, тузли ғор, озонотерапия, фитобар, табиий булоқ суви ва парҳез таомлари билан даволаш усулларидан фойдаланилади.

– Ушбу масканда асосан нафас йўлларининг носпецифик касалликлари ва аллергик ҳолатлар кузатилаётган юртдошларимиз саломатликларини тиклашади, – дейди «Заркент» санаторийси директори ўринбосари, шифокор Гули Тўхтаева. – Нафақат Ўзбекистон, балки Украина, Москва, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатлардан одамлар келиб даволаниш билан бирга табиат гўзаллигидан баҳра олишмоқда.

Москвалик 57 ёшли Наталья Объедкова Ўзбекистондаги «Заркент» санаторийсини ижтимоий тармоқларда кўриб қолади. Мусаффо ҳавоси ва ўзига хос иқлими, даволаш усуллари-ю, мазали таомлари ҳақида маълумот олган аёл дарҳол шу ерга етиб келиб, саломатлигини тиклай бошлади.

– Коронавирус инфекциясидан кейин нафас олиш тизимимда аллергия орттириб, бир неча йилдан буён қийналяпман, – дейди у – Бу ердаги даволаш, гўзал табиат, мазали булоқ сувлари менга жуда маъқул бўлди. Айниқса, ширинсўз ва доим сергак турувчи ҳамширалар, хизматчилардан хурсанд бўлдим. Бизни Кумушконга олиб бориб келишди, у ердаги гўзалликдан ҳам баҳраманд бўлдик. Айни пайтда ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман. Келаси йили яна шу ерга келишни дилимга тугиб қўйдим.



Украинанинг Винница шаҳридан келган Анастасия Волошина фарзандини доимий йўтал қийнагани ва ўзининг ҳам қон босимидан азият чекканини, «Заркент» санаторийсидаги муолажалардан сўнг аҳволлари енгиллашгани, шунинг учун учинчи маротаба келганини айтди.

– Менга ҳаммасидан ҳам шифокору ҳамшираларнинг муомаласи ёқади, – дейди у. – Кунлик чарчоқларга қарамай, хизмат кўрсатаётганларида кулиб туришади. Мулойимлик билан жавоб беришади. Даволаш усулларини-ку, гапирмасам ҳам бўлар. Йилда бир шу ерга келишни одат қилганмиз. Ҳар сафар қайтишдан олдин юртингизнинг чиройли жойларини томоша қилиш учун саёҳат қиламиз, мазали таомларидан еймиз. Менга Ўзбекистон жуда ёқади.

**Холида ЭГАМБЕРДИЕВА**
*«ISHONCH»*

---

■ ИЧКИ ТУРИЗМ

# «ЯШИЛ МАКОН» ИССИҚКЎЛДА ҚУЛОЧ ЁЙДИ

Саёҳат инсон ҳаётига ранг-баранглик киритади. Нафақат ўзини, шу жумладан, атрофидагиларни яхшироқ тушунишига ёрдам беради. Мухтасар айтганда, бу ҳаётнинг янги қирраларини очиш демакдир.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгаши ташаббуси билан бир гуруҳ фаоллар, нуронийлар, ишчи-ходимлар Қирғизистон Республикаси Иссиққўл вилоятидаги «Bo‘ston resort» дам олиш масканида бўлиб қайтишди. Бир ҳафталик саёҳат уларда катта таассурот қолдирди. Шу асно меҳмонлар сиҳатгоҳ боғига арча кўчатлари ўтқазишди.

– Ерга ниҳол қадаб, боғ яратиш миллатимизга хос қадриятлардан саналади, – деди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгаши раиси Ҳасанбой Хўжаев. – Ана шундай савобли ва хайрли ишни «Яшил макон» умуммиллий дастури доирасида Иссиққўлда давом эттирдик. Эккан ниҳолларимиз ўзбек ва қирғиз элининг дўстлиги рамзи сифатида гуллаб-яшнасин.

– Орамиздаги масофа минг чақиримдан узоқ бўлса-да, кўнглимиз яқин, – деди «Bo‘ston resort» дам олиш маскани директори вазифасини бажарувчи Адилет Абилқосимов. – Қадриятларимиз, урф-одатларимиз, маданиятимиз бир-бирига муштарак.

**Анваржон ҲАЛИМОВ**
*«ISHONCH»*



---

■ ЭЪЛОН

Erieltor

# «ELEKTRON REALTOR» МЧЖ

**тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкиллаштириладиган кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўтказиладиган савдосига таклиф этади!**

«O’zsanoatqurilishbank» АТВ билан тузилган 2025 йил 18 июндаги №18-2025ER сонли шартномага асосан «O’zsanoatqurilishbank» АТВ балансида бўлган қуйидаги мулклар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ-142-сонли қарорига асосан сотувга чиқарилмоқда:

1. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Қора тепа» МФЙ, Ҳаёт кўчаси, 99-уйда жойлашган ҳовли жой. Бошланғич баҳоси – 552,2 миллион сўм.

2. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Қора тепа» МФЙ, Ҳаёт кўчаси, 70-уйда жойлашган ҳовли жой. Бошланғич баҳоси – 521,3 миллион сўм.

3. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Қора тепа» МФЙ, Ҳаёт кўчаси, 249-уйда жойлашган ҳовли жой. Бошланғич баҳоси – 447,5 миллион сўм.

4. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Қора тепа» МФЙ, Ҳаёт кўчаси, 250-уйда жойлашган ҳовли жой. Бошланғич баҳоси – 441,2 миллион сўм.

5. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Қора тепа» МФЙ, Ҳаёт кўчаси, 310-уйда жойлашган ҳовли жой. Бошланғич баҳоси – 432,9 миллион сўм.

Юқорида кўрсатилган мулклар йиллик 14 фоиз устама билан бошланғич тўлови 60 фоиздан кам бўлмаган ҳолда 11 ойга бўлиб тўлаш шарти асосида сотувга чиқарилмоқда.

Савдога қўйилган мулклар билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода иштирок этиш учун талабгорлар e-rieltor.uz платформаси орқали ариза беришлари мумкин.

Телефон: +99855-517-22-20.
Расмий сайтимиз: www.e-rieltor.uz

**Хизматлар лицензияланган.**

---

**Мароқли дам олинг, азиз газетхон!**

Нуриддин Ҳамроқулов ижросида



**«НА СЕН ДЕДИНГ, НА МЕН ДЕДИМ»**
*қўшиғи*

*Баҳор сабза рўмолини боғлади,*
*Гул алвонин ёйди ул, ардоғлади,*
*Дарё тўлқинлари кўнглим чоғлади –*
*На сен дединг, на мен дедим ул сўзни.*

---

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши ҳамда вилоятдаги барча тармоқ касаба уюшмалари кенгашлари жамоалари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгашининг собиқ раиси, меҳнат фахрийси
**Анвар Ваққосович Юнусов**
вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига ҳамдардлик билдиради.

---

**MUASSIS:**
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

**2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.**

**«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:**

**Qudratilla RAFIQOV** *(tahrir hay’ati raisi),*
**Ulug’bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G’OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV** *(Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari),*
**Mehriddin SHUKUROV** *(Mas’ul kotib – «Ishonch»),*
**Valentina MARSENYAK** *(Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
**Husan ERMATOV**

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Bo‘limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti – **(71) 256-64-69**
Huquq va xalqaro hayot – **(71) 256-52-89**
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – **(71) 256-82-79**
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – **(71) 256-85-43**
Marketing va obuna – **(71) 256-87-73**

**Hududlardagi muxbirlar:**
**Qoraqalpog’iston Respublikasi –** (+998-99) 889-98-20
**Andijon viloyati –** (+998-99) 889-90-23
**Buxoro viloyati –** (+998-99) 889-90-31
**Navoiy viloyati –** (+998-90) 500-05-12
**Jizzax viloyati –** (+998-99) 889-90-34
**Namangan viloyati –** (+998-93) 213-09-66
**Samarqand viloyati –** (+998-99) 889-90-26
**Sirdaryo viloyati –** (+998-99) 889-98-55
**Surxondaryo viloyati –** (+998-90) 379-19-70
**Toshkent viloyati –** (+998-99) 600-40-44
**Farg’ona viloyati –** (+998-99) 889-90-24
**Xorazm viloyati –** (+998-99) 889-98-01
**Qashqadaryo viloyati –** (+998-97) 705-08-93

**Navbatchi muharrirlar:**
G‘ulomjon MIRAHMEDOV,
Gulruhbegim ODASHBOYEVA

**Musahhihlar:**
Dilorom XUDOYBERGANOVA,
Umida XUDOYBERGANOVA

**Sahifalovchi:**
Hasan ABDUJALILOV

**Bosishga topshirish vaqti –** 03:00
**Topshirildi –** 03:20

**Bahosi kelishilgan narxda**

Gazeta haftaning **seshanba, payshanba va shanba** kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
**E-mail:**
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko‘rsatkichi: **133**

**Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas’ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.**

**Umumiy adadi 32 076 та**

**Shundan: 6 079 nusxasi**
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
**Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;**

**18 116 nusxasi**
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
**Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;**

**7 881 nusxasi**
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
**Marg’ilon shahri,Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda chop etildi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 4 bosma taboq. **Buyurtma G-811**

1 2 3 4 5 6